

ЮҚОРИ ЖАҒ ФРОНТАЛ ТИШЛАРНИ ЭСТЕТИК ОРТОПЕДИК КОНСТРУКЦИЯЛАР БИЛАН ПРОТЕЗЛАШДА КЛИНИК ҚИЁСИЙ БАХОЛАШ

Зиядуллаева Нигора Сайдуллаевна

Омонова Нигорахон Алишеровна

Ташкентский государственный стоматологический институт

nigorazstom@yandex.ru

Тадқиқотнинг долзарблиги:

Тиш қатори нуқсонларини ва тиш-жағ системасини анатомио-функционал вазифасини тиклаган ҳолда уларнинг эстетикасини тامينлаш ҳозирги замонавий стоматологиянинг долзарб муаммоларига айланган. Шу муаммолардан бири саналган, ҳозирда кўп учраётган ҳолатлардан бири, юқори жағ фронтал тишлар соҳасига кўйилган ортопедик конструкцияларни тиш-милк эгатига турлича таъсирлари натижасида кўп ўтмай милкларнинг рецессия ҳолатлари қайд этилмоқда (Алимов А.С., Хабилов Н.Л., Рахмонов Х.Ш.). Бунда турлича қарашлар мавжуд бўлиб, конструкциянинг материали, тури, тиш-милк эгатининг морфотиби, чуқурлиги ва кенглиги ҳамда ортопедик конструкцияларга беморларда индивидуал ёндашиш ва мослашиш ҳолатлари турлича эканлиги билан ифодалаш мумкин.

Бунда ортопед стоматолог томонидан фронтал тишлар соҳасига тавсия қилинган протез турини ва уларнинг эстетик даражасини тўғри танлаш ҳамда, уларнинг тиш-милк эгатига таъсирини тўғри баҳолаш долзарблигича қолиб келмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади:

Юқори жағ фронтал тишлар соҳадаги ортопедик реставрацияларнинг эстетикаси сифатини ва хизмат қилиш муддатини ошириш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Юқори жағ фронтал тишлар соҳасидаги турли хил ортопедик конструкцияларни тиш-милк эгати биологик зонасига таъсирини баҳолаш.
2. Тиш-милк эгати биологик соҳасининг морфометрик маълумотларига кўра ортопедик протез турини танлашни ўрганиш.
3. Биологик соҳага индивидуал баҳо берган ҳолда қандай ортопедик конструкцияни танлаш бўйича кўрсатмаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот материаллари:

- 20 нафар ортопедик ёрдамга муҳтож беморлар;
- 10 нафар – металлокерамик конструкциялар билан реставрация қилинган,
- 10 нафар - цирконий диоксид конструкциялар билан реставрация қилинган.

Тадқиқот усуллари:

- Клиник: Тиш-милк эгати чуқурлигини баҳолаш (зондлаш орқали),
- дентал фотопротокол

• А.Н. Ряховский бўйича ортопедик реставрация чегараси мослашувини текшириш.

Хулоса.

Текширилган иккала гурух беморларда шу аниқландики, билвосита ортопедик эстетик реставрацияларда (металлокерамика, диоксид цирконий асосли қопламаларда) пародонт туқимасида дистрофик ва яллиғланиш характерли патологик ўзгаришлар кузатилди. Металлокерамик эстетик реставрацияли гурух беморларда патологик ўзгаришлар кўрсаткичи юқорироқ баҳоланди. Диоксид цирконий асосли қопламаларда аксинча, патологик ўзгаришлар кўрсаткичи анча паст баҳоланди. Масалан, металлокерамикада - 54% милк рецессияси, диоксид цирконий қопламаларда - 5% милк рецессияси кузатилди.

Билвосита керамик реставрацияларда тиш биологик зонасининг морфометрик кўрсаткичларига (пародонт морфотиби, тиш-милк эгати ўлчов кўрсаткичлари, биологик худуднинг эстетик кўрсаткичлари) асосланиб ортопедик конструкцияни танлаш лозим.

Милк усти айланма зинапоя хосил қилиб чахлаш усули биологик худудда хавфни қамайтиши, ҳамда тишнинг биологик қенглиги хавфсизлигини тўлиқ таъминлайди.

Список литературы:

1. Зиядуллаева Н., и Ходжимуродова Н. «COMPARISON OF DETERMINATION METHODS TEETH COLORS». Медицина и инновации, т. 1, вып. 4, февраль 2022 г., сс. 502-4, https://inlibrary.uz/index.php/medicine_and_innovations/article/view/948.
2. Зиядуллаева, Н. С., and Н. А. Ходжимуродова. "ТЕХНИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЦВЕТА ЗУБОВ В КЛИНИКЕ ОРТОПЕДИЧЕСКОЙ СТОМАТОЛОГИИ." *Стратегии развития современной науки*. 2021.
3. Бойко, В. В., and А. В. Долгих. "Как показать невидимое качество лечения в процессе его осуществления." *Институт стоматологии* 4 (2007): 10-14.
4. Зиядуллаева, Н., Н. Ходжимуродова, and Ф. Мухитдинова. "ТЕХНИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЦВЕТА ЗУБОВ В ОРТОПЕДИЧЕСКОЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОЙ КЛИНИКЕ." *Stomatologiya* 2 (83) (2021): 72-76.
5. Арутюнов, Сергей Дарчоевич, et al. "Одонтопрепарирование под ортопедические конструкции зубных протезов." (2007).
6. Пархоменко, А. Н., et al. "Опыт применения устройства для препарирования зубов." *Современные наукоемкие технологии* 8 (2014): 50-53.